



LEGAL GUARANTEES FOR THE REALIZATION OF WOMEN'S RIGHT TO EDUCATION IN UZBEKISTAN

Makhinnora N. Mirkhamidova

PhD in Law, Associate Professor

Faculty of International Law

University of World Economy

and Diplomacy (UWED)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21769192>

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026

Accepted: 08th June 2026

Online: 09th June 2026

KEYWORDS

Gender equality, women's rights, right to education, sustainable development, SDG 4, SDG 5, child marriage, distance education, comparative legal analysis.

ABSTRACT

This article examines the legal guarantees for ensuring women's right to education from the perspective of the sustainable development concept. It analyzes the development trends of Uzbekistan's national legal framework based on the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Law of the Republic of Uzbekistan "On Guarantees of Equal Rights and Opportunities for Women and Men," and the Presidential Decree of 3 March 2026. The article also provides a comparative legal analysis of similar legal institutions and practices in the United States, African countries (Rwanda, Kenya, and Uganda), and Central Asian states (Kazakhstan and Kyrgyzstan). Based on the findings, proposals are formulated for further improving the national legislation aimed at strengthening legal guarantees for women's right to education.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Мирҳамидова Маҳиннора Нуруллаевна

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети,

«Халқаро ҳуқуқ» факультети доценти, PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21769192>

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026

Accepted: 08th June 2026

Online: 09th June 2026

KEYWORDS

Гендер тенглик, хотин-қизлар ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, барқарор ривожланиш, БРМ-4, БРМ-5, эрта никоҳ, масофавий таълим, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.

ABSTRACT

Мазкур мақолада хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари барқарор ривожланиш концепцияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентнинг 2026 йил 3 март санасидаги Фармони асосида миллий ҳуқуқий тизимнинг ривожланиш тенденциялари очиб берилади. Шунингдек, АҚШ, Африка (Руанда, Кения, Уганда) ва Марказий Осиё давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон) амалиётидаги ўхшаш институтлар қиёсий таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни



*такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб
чиқилган.*

Кириш

Барқарор ривожланишнинг 2030 йилгача мўлжалланган кун тартибида гендер тенглик масаласи алоҳида ўрин тутади ва бу борада Барқарор ривожланишнинг 5-мақсади (БРМ-5) — «Гендер тенгликка эришиш ва барча хотин-қизлар ҳамда қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш» — БРМ-4 («Сифатли таълим») билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи мазкур икки мақсаднинг кесишган нуқтасида турганлиги сабабли, уни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш нафақат амалий, балки илмий-назарий аҳамиятга ҳам эга.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда ушбу йўналишда изчил ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 март санасидаги «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Фармони таълим соҳасида хотин-қизлар учун янги ҳуқуқий имкониятлар — жумладан, ҳомиладорлик ёки фарзанд тарбияси сабабли таълимдан узилиб қолган талабалар учун «иккинчи имконият» механизми ва масофавий таълим

шаклини жорий этиш — яратилишини назарда тутади.

Мазкур мақоланинг мақсади — юқорида қайд этилган Фармонни бошқа миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан узвий боғлиқ ҳолда тизимли таҳлил қилиш, унинг барқарор ривожланиш назарияси нуқтаи назаридан аҳамиятини очиб бериш ҳамда хорижий давлатларнинг ўхшаш институтлари билан қиёслаш орқали миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш йўналишларини аниқлашдан иборат.

Мавзунинг илмий ишланганлик даражасига келсак, хотин-қизлар ҳуқуқларининг гендер-ҳуқуқий жиҳатлари миллий юридик фанда бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, ю.ф.д., проф. Л. Саидованинг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга доир шарҳлари, ю.ф.д. Ф. Отахоновнинг мазкур соҳадаги тадқиқотлари, шунингдек ю.ф.д. Ф.Ҳамдамова ва Г.Ишанхонованинг ишлари миллий гендер қонунчилигининг ҳуқуқий-техник таҳлиliga муҳим ҳисса қўшган. Хотин-қизлар ҳуқуқи ва таълим ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи эса халқаро илмий адабиётда, жумладан, Амартя Сеннинг «имкониятлар ёндашуви» (capability approach) назарияси ва Наила Кабирнинг аёллар имкониятларини кенгайтириш



(women's empowerment) концепцияси доирасида кенг ёритилган бўлиб, ушбу назарий манбалар мазкур мақоладаги таҳлилий қисм учун услубий асос вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, хорижий давлатларда ҳомиладор ва оналик вазифасини бажарувчи талабаларнинг таълим олиш ҳуқуқи масаласи алоҳида институционал тадқиқот предмети сифатида АҚШ Миллий хотин-қизлар ҳуқуқи маркази (National Women's Law Center) ва Human Rights Watch каби нуфузли ноҳукумат ташкилотлари томонидан ўрганилган, уларнинг натижалари мақоланинг учинчи бўлимида қиёсий таҳлил учун фойдаланилган.

1. Хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг миллий ва халқаро-ҳуқуқий асослари

Хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи кўп босқичли ҳуқуқий тизим орқали кафолатланади. Мазкур тизимнинг юқори поғонасида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган «Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция (CEDAW) туради. Ушбу Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси қўшилган бўлиб, унинг қоидалари миллий қонунчиликни ишлаб чиқишда асосий йўналтирувчи мезон вазифасини бажаради.

Миллий даражада ушбу соҳадаги асосий норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган бўлиб, унда барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, шу жумладан

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги конституциявий даражада кафолатланган. Бу норма гендер тенгликнинг конституциявий-ҳуқуқий фундаменти ташкил этади.

Конституциявий норманинг амалий ривожини 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-562-сон «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топган. Мазкур Қонун давлат органлари ва мансабдор шахсларга нисбатан гендер тенгликка риоя этилишини таъминлаш бўйича мажбурий тавсиялар киритиш ваколатини белгилайди, шунингдек барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини назарда тутаяди (Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 март 192-сон қарори). Қонунга кейинги йилларда бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган — жумладан, 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-809-сон ва 2024 йил 18 октябрдаги ЎРҚ-977-сон қонунлари орқали, бу эса миллий гендер сиёсатининг доимий такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Айнан ушбу ривожланиб бораётган ҳуқуқий тизим фониди 2026 йил 3 март куни қабул қилинган «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Фармонни (кейинги ўринларда 2026 йилги ПФ-33-сонли Фармон) баҳолаш лозим. Мазкур



Фармон, моҳиятан, юқорида кўрсатилган умумий гендер-ҳуқуқий асосни таълим соҳасида аниқ ва амалий механизмлар билан бойитади: биринчидан, ҳомиладор ёки 3 ёшгача фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи талабаларга таълимни давом эттириш учун «иккинчи имконият» яратилади; иккинчидан, академик таътил даврида уларнинг хоҳишига кўра масофавий таълим шаклида ўқишни давом эттириш имконияти кўзда тутилади; учинчидан, мазкур тоифадаги талабалар бўйича алоҳида статистик ҳисобни юритиш вазифаси белгиланади. Шу тариқа, Фармон умумий норма даражасидаги гендер тенглик тамойилини таълим соҳасида ижро этиладиган аниқ процедура даражасига олиб чиқади — бу эса ҳуқуқ ижодкорлиги назарияси нуқтаи назаридан «умумий норма — махсус норма» муносабатининг намунали кўриниши ҳисобланади.

2. Таҳлилий қисм: гендер тенглик ва барқарор ривожланишнинг ўзаро таъсир механизми

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Глобал кун тартибида белгиланган Барқарор ривожланиш назарияси нуқтаи назаридан хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи бир вақтнинг ўзида БРМ-4 (сифатли таълим) ва БРМ-5 (гендер тенглик) мақсадларига хизмат қилади, шунингдек БРМ-1 (қашшоқликка барҳам бериш), БРМ-8 (муносиб иш ва иқтисодий ўсиш) каби бошқа мақсадлар билан ҳам билвосита боғлиқдир. Иқтисодий адабиётларда таъкидланганидек,

аёлнинг таълим даражаси ошиши билан унинг меҳнат бозоридаги иштироки, оила даромади ва фарзандлар саломатлиги кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгаради — бу боғлиқлик «таълим — гендер тенглик — иқтисодий ўсиш» деб номланувчи ўзаро кучайтирувчи занжирни ташкил этади.

Фармонда назарда тутилган «иккинчи имконият» механизмини таҳлил қилинганда, унинг икки хил ҳуқуқий-ижтимоий вазифани бажараётганини кўриш мумкин. Биринчидан, у репродуктив вазифа (ҳомиладорлик, фарзанд тарбияси) билан таълим олиш ҳуқуқи ўртасидаги мавжуд можарони бартараф этади — яъни, аёлнинг биологик вазифаси унинг таълим олиш ҳуқуқини чекловчи омилга айланмаслигини таъминлайди. Иккинчидан, у институционал даражада «мослашувчан таълим тизими» моделини жорий этади, бунда таълим муассасаси талабанинг ҳаётий вазиятига қараб индивидуал ёндашувни қўллаши мажбурий ҳисобланади.

Масофавий таълимни жорий этиш бўйича топшириқ таҳлил қилинганда, бу норма нафақат ижтимоий ҳимоя воситаси, балки таълим тизимининг рақамли трансформацияси контекстида ҳам баҳоланиши лозим. Масофавий таълим технологиялари жисмоний чекловларни бартараф этиш орқали таълим олиш ҳуқуқининг «реал мазмун билан тўлдирилиши» тамойилини амалга оширади — бу тамойил инсон ҳуқуқлари назариясида кенг эътироф этилган



ёндашув ҳисобланади: ҳуқуқ фақат расман эълон қилиниши билан эмас, балки уни амалга ошириш учун реал шароит яратилиши билан тўлиқ кафолатланади.

Алоҳида статистик ҳисобни юритиш борасидаги норма эса, эвиденс-асосланган давлат сиёсати назариясига мос келади. Ушбу механизмсиз гендер сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш, муаммоли ҳудудлар ва тармоқларни аниқлаш ҳамда келгуси ислохотларни илмий асосда режалаштириш мураккаблашади. Шу боис, мазкур норма Фармоннинг бошқа моддалари билан биргаликда яхлит бошқарув циклини (норма — амалиёт — мониторинг — янги норма) шакллантиради.

3. Хорижий давлатлар амалиётининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили

Хотин-қизларнинг ҳомиладорлик ёки оналик вазифалари сабабли таълимдан узилиб қолиш муаммосини ҳал этиш турли ҳуқуқий тизимларда турлича моделлар орқали амалга оширилади. Қуйида уч хил минтақавий моделни қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

3.1. АҚШ модели: камситишга қарши кураш орқали ҳимоя

Америка Қўшма Штатларида 1972 йилги «Таълим соҳасидаги тузатишлар тўғрисида»ги Федерал қонуннинг IX бўлими (Title IX) жинс белгисига кўра камситишни таъқиқлаш орқали ҳомиладор ва фарзанд тарбияси билан шуғулланувчи талабаларни ҳимоя қилади. Ушбу қонунга мувофиқ,

федерал молиялаштиришни олувчи барча таълим муассасалари ҳомиладорлик, туғруқ ёки ота-оналик мақоми асосида талабани камситишга ҳақли эмас. 2024 йилда кучга кирган янгиланган қоидалар талабаларга ўз ўқув дастурида қолиш, зарур ҳолларда тиббий асосланган таътил олиш ва ўқишдан узилиб қолмаслик учун қўшимча дарслар (масалан, уйда ўқитиш) каби мослаштирилган хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини аниқ белгилаб берди.

АҚШ моделининг ўзига хос жиҳати шундаки, у умумий камситишга қарши курашиш концепцияси орқали амал қилади — яъни, алоҳида «иккинчи имконият» дастури эмас, балки талабанинг мавжуд ўқув жараёнида тенг муносабатда бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган. Бу ёндашувнинг афзаллиги — талабанинг таълим муҳитидан ажралмаслигида, лекин айти пайтда амалиётда ҳуқуқни билмаслик ҳолатлари ҳам қайд этилган, бу эса ҳуқуқни билиш ва хабардорлик даражасини ошириш зарурлигини кўрсатади.

3.2. Африка давлатлари модели: «қайта қабул қилиш сиёсати»

Сомон-Африка минтақаси давлатлари, жумладан Кения, Уганда, Танзания ва Руандада «ўсмир оналарни қайта қабул қилиш сиёсати» деб номланувчи институт кенг қўлланилади. Ушбу сиёсат туғруқдан сўнг ўқувчи-қизларнинг мактабга қайтишига расмий рухсат берувчи меъёрий ҳужжатлар орқали амалга оширилади ва мактаб



маъмуриятига қизларни бошқа таълим муассасаларига жойлаштиришда қўмаклашиш мажбуриятини юклайди.

Шу билан бирга, халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Африка минтақасидаги аксарият давлатларда бундай сиёсат умуман мавжуд эмас, айрим давлатларда эса, аксинча, никоҳдан ташқари ҳомиладорлик учун жазо чоралари қўлланилади. Мавжуд сиёсатга эга давлатларда ҳам амалиётда жамоатчилик стигмаси, хабардорликнинг етарли эмаслиги ва мактаб маъмуриятининг қизларни «бошқа мактабга ўтишга» кўндириш амалиёти сабабли қайтиш кўрсаткичлари паст бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, норманинг мавжудлиги ўз-ўзидан етарли эмас — уни амалда ижро этилишини таъминловчи институционал назорат механизмлари ҳам зарур.

3.3. Марказий Осиё давлатлари тажрибаси: эрта никоҳнинг олдини олиш дастурлари

Минтақавий контекстда Қозоғистон ва Қирғизистон тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ. Қозоғистон Республикасининг «Никоҳ (турмуш қуриш) ва оила тўғрисида»ги Кодекси никоҳ учун энг кам ёшни ҳар икки томон учун 18 ёш этиб белгилайди, бироқ айрим ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларида, ижтимоий-маданий омиллар сабабли эрта никоҳ ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Қирғизистонда эса 2016 йилдан бошлаб БМТ Тараққиёт дастури (UNDP) билан ҳамкорликда эрта

никоҳнинг олдини олишга қаратилган махсус лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат никоҳ ёшини қонунда белгилаш етарли эмас — самарали натижага эришиш учун бу норма таълим соҳасидаги қўллаб-қувватловчи чоралар (масалан, оилалар билан ишлаш, маърифий-тарғибот дастурлари, қизларнинг мактабда қолишини рағбатлантирувчи ижтимоий дастурлар) билан уйғунликда амалга оширилиши лозим. Айнан шу нуқтада Ўзбекистоннинг 2026 йилги ПФ-33-сонли Фармонидаги ёндашув — эрта никоҳнинг олдини олиш чораларини таълим ҳуқуқини таъминлаш чоралари билан бир ҳужжатда бирлаштириш — минтақавий амалиётда илгор қадам сифатида баҳоланиши мумкин, чунки у муаммони фақат таъқиқловчи (никоҳ ёшини белгилаш) эмас, балки рағбатлантирувчи (таълимда қолиш имкониятларини кенгайтириш) восита орқали ҳам ҳал қилишга интилади.

4. Қиёсий таҳлил натижалари ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар

Юқорида кўриб чиқилган уч модель — АҚШнинг камситишга қарши кураш модели, Африка давлатларининг қайта қабул қилиш сиёсати ва Марказий Осиёнинг олдини олиш дастурлари — ҳар бири ўзига хос афзалликка эга. Ўзбекистон Республикасининг Фармони мазкур уч ёндашувнинг элементларини



ўзида мужассамлаштиргани билан ажралиб туради: у ҳам камситишдан ҳимоя қилиш (тенг ҳуқуқ тамойили), ҳам қайта қабул қилиш («иккинчи имконият» механизми), ҳам олдини олиш (эрта никоҳ билан курашиш) чораларини бир тизимли ҳужжатда бирлаштиради.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш масаласи Ўзбекистон Республикасида изчил равишда кенгайиб бораётган кўп поғонали ҳуқуқий тизим — Конституция, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва 2026 йилги ПФ-33-сонли Фармон орқали таъминланмоқда. Ушбу тизим таҳлили шуни кўрсатадики, миллий қонунчилик умумий тенглик

тамойилидан аниқ амалий механизмларга ўтиш йўналишида изчил ривожланмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий таҳлил натижалари Ўзбекистон қабул қилган ёндашувнинг комплекс хусусиятини — камситишдан ҳимоя қилиш, қайта қабул қилиш ва олдини олиш чораларининг уйғунлигини — тасдиқлайди. Бироқ, халқаро тажриба шуни ҳам кўрсатадики, норманинг мавжудлиги ўз-ўзидан етарли эмас; унинг самарали амалга оширилиши хабардорлик, институционал назорат ва мунтазам мониторинг механизмлари билан таъминланиши шарт. Шу боис, келгусида миллий қонунчиликни такомиллаштиришда назарий-меъёрий ютуқларни амалий натижаларга айлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йилги таҳрирда). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон; 14.07.2026 й., 03/26/1158/0727-сон <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (CEDAW), Нью-Йорк, 1979 йил 18 декабрь. <https://lex.uz/en/docs/2685528>
3. «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/4494849>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-809-сон Қонуни (ЎРҚ-562-сонли Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида). <https://lex.uz/ru/docs/6314589>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 18 октябрдаги ЎРҚ-977-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/7162393>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом). <https://lex.uz/ru/docs/4777291>



7. «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.03.2026 йилдаги ПФ-33-сон
8. U.S. Department of Education. Title IX and Pregnancy or Parental Status (2024 Regulations). <https://www.ed.gov/media/document/nondiscrimination-based-pregnancy-or-related-conditions-parental-family-or-marital-status-2024-rescinded-107658.pdf>
9. The Pregnant Scholar. Title IX Basics. <https://thepregnantscholar.org/title-ix-basics/>
10. National Women's Law Center. Clarifying Schools' Title IX Notice Obligations and Best Practices for Protecting Pregnant Students, 2025. <https://nwlc.org/resource/clarifying-schools-title-ix-notice-obligations-and-best-practices-for-protecting-pregnant-students/>
11. Human Rights Watch. Leave No Girl Behind in Africa: Discrimination in Education against Pregnant Girls and Adolescent Mothers, 2018. <https://www.hrw.org/report/2018/06/14/leave-no-girl-behind-africa/discrimination-education-against-pregnant-girls-and>
12. Global Partnership for Education. School re-entry policies must be effective for teenage mothers in Africa, 2022. <https://www.globalpartnership.org/blog/school-re-entry-policies-must-be-effective-teenage-mothers-africa>
13. UNDP Kyrgyzstan. Project Addressing Early Marriages Prevention. <https://www.undp.org/kyrgyzstan/projects/project-addressing-early-marriages-prevention>
14. UNFPA EECA. Child Marriage in Kazakhstan (Overview).
15. Қозоғистон Республикасининг «Никоҳ (турмуш қуриш) ва оила тўғрисида»ги Кодекси, 2011 йил 26 декабрь, №518-IV. [https://nrm.uz/content?doc=269790 kodeks respubliki kazakhstan o brake \(suprujestve\) i seme&products=1 vse zakonodatelstvo uzbekistana](https://nrm.uz/content?doc=269790 kodeks respubliki kazakhstan o brake (suprujestve) i seme&products=1 vse zakonodatelstvo uzbekistana)
16. Sen A. Development as Freedom. — New York: Alfred A. Knopf, 1999. https://raggeduniversity.co.uk/wp-content/uploads/2025/01/1_x_senDevelopmentasFreedom- compressed.pdf
17. Kabeer N. Resources, Agency, Achievements: Reflections on the Measurement of Women's Empowerment // Development and Change. — 1999. — Vol. 30. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/1467-7660.00125>
18. Саидова Л. ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИГА ЭРИШИШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ / <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/235>
19. Ф.Хамдамова, Х.Сайдивалиева, М.Рахимова, Д.Суфиева. Гендер статистикаси. Амалий қўлланма / - Тошкент: Baktria Press, 2023. - 382 б.